

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲИСОБ ВА АУДИТ ФАКУЛЬТЕТИ

«АУДИТ» КАФЕДРАСИ

«АУДИТ» ФАНИДАН

РЕФЕРАТ

***Мавзу:* Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий
асослари**

Бажарди: IV-курс ХБА-73 гуруҳ талабаси
Ризаев Ж.

Текширди: к.ўқ. Авазов И.

ТОШКЕНТ-2016

***Мавзу:* Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари**

- 1. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш тизими ва унинг элементлари**
- 2. Аудитор ва аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари**

1. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиш тизими ва унинг элементлари

Сўнгги йилларда дунёнинг кўпгина мамлакатларида аудит соҳаси молиявий бозорнинг муҳим элементларидан бири сифатида жиддий равишда ислоҳ қилинмоқда. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳодисага тадбиркорлик тизимларининг фаолият юритиши ва ривожланишининг объектив шароитларининг ўзгариши, хусусан келгусида глобал долзарб вазифаларни ечиш доирасида интеграция жараёнларининг фаоллашуви, аудиторлик фаолиятининг дунёнинг иқтисодиёти кўпроқ модернизациялашган мамлакатлари ҳамда ҳудудий ва халқаро иқтисодий бирлашмаларни шакллантиришга интилиши, сўнгги йилларда бизнес фаолиятини ривожлантиришнинг интеллектуал омилларининг кучайиши, замонавий информацион технологияларидан фойдаланиш ва бошқалар сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Маълумки, Ўзбекистон жаҳон хўжалик тизимининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб борар экан, мамлакатимиз аудит тизимининг ривожланишига халқаро тажриба янада каттароқ таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётида бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишининг жуда қисқа даври ичида аудит соҳаси мустақил профессионал тадбиркорлик фаолияти ва миллий иқтисодиёт молиявий инфратузилмасининг ажралмас элементи сифатида ўз ўрнини топди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан сўнг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг интеграциялашуви, халқаро ташкилотларнинг фаолиятида иштирок этишга интилиши, мамлакатдан миллий аудит тизимининг жаҳон тажрибасида қабул қилинган услубий тамойиллар билан яхлитлигини, давлат бизнес тузилмалари молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг хорижий мамлакатларда қўлланиладиган ўхшаш кўрсаткичлар билан мослилигини таъминлашни талаб қилади.

Ахборот ресурсларнинг ишончилигини таъминлаш ва улардаги мавжуд бўлган рискларини бўзиб кўрсатилиши – бу манфаатли ахборот-маълумотларини юқори даражада аниқликда олишда фойдаланувчиларга доимий дуч келадиган асосий муаммолардир. Айнан шу ҳолат, жамиятнинг тегишли тайёргарликка, малакага, тажрибага эга бўлган мустақил экспертлар хизматларига эҳтиёж шаклланишига олиб келди. Республикада бундай муаммоларни ечиш мақсадида, ҳозрги кунда бозор иқтисодиётининг ажралмас элементи сифатида бўлган мустақил аудиторлик ташкилотлари ташкил қилинди.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун 6-моддасига асосан асосан аудиторлик ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- ❖ аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳужжатлари билан олдиндан танишиб чиқиш;

- ❖ аудиторлик текшируви ўтказиш шакллари ва усуллари мустақил белгилаш;

- ❖ аудиторлик текшируви ўтказилаётганда хўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш, шунингдек ушбу ҳужжатларда ҳисобга олинган ҳар қандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳар қандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текшириш;

- ❖ аудиторлик текширувини ўтказиш давомида юзага келган масалалар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни олиш;

- ❖ учинчи шахслар томонидан ёзма тасдиқланган ахборотни хўжалик юритувчи субъектдан олиш;

- ❖ ишончли аудиторлик хулосасини тузиш учун зарур бўлган барча ахборот хўжалик юритувчи субъект томонидан тақдим этилмаган тақдирда аудиторлик текшируви ўтказишдан бош тортиш;

- ❖ аудиторлик текширувини ўтказишда иштирок этишга аудиторлар ва бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;
- ❖ аудиторлик текшируви билан қамраб олинган даврда хўжалик юритувчи субъектга профессионал хизматлар кўрсатиш, бундан бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш, юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш мустасно;
- ❖ аудиторларнинг республика жамоат бирлашмасига аъзо бўлиб кириш.
- ❖ Аудиторлик ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиётида бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишининг жуда қисқа даври ичида аудит соҳаси мустақил профессионал тадбиркорлик фаолияти ва миллий иқтисодиёт молиявий инфратузилмасининг ажралмас элементи сифатида ўз ўрнини топди.

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими ҳукматнинг юқори органлари томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-норматив қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади ва у қуйидагича кўринишга эга (3-чизма):



3-чизма . Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизими

Таъкидлаш жоизки, мустақилликка дастлабки йиллари Республикамизда аудиторлик фаолиятида тубдан янги бўлган ҳуқуқий – меърий қонунчилик базаси яратилди. Ушбу яратилган база мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим босқичларини босиб ўтишга асос бўлди. Иқтисод фанлари номзоди, доцент Р.Д. Дўсмуратовнинг таъкидлашича, республикамизда аудиторлик фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиши қуйидаги уч босқичга эга(1-жадвал)¹:

¹ Дўсмуратов Р.Д. Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятининг шаклланиши ва унинг услубиётини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун диссертация.Тошкент – 2008.-51б.

Агар аудитор аудиторлик ташкилотининг штатида турган бўлса ёки аудиторлик ташкилоти у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, у аудиторлик текшируви ўтказишга жалб этилиши мумкин.

Аудитор аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги ҳамда бошқа ҳатти-ҳаракатлари оқибатида аудиторлик ташкилотига зарар етказганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилоти олдида жавобгар бўлади.

1-жадвал

Республикамызда аудиторлик фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш босқичлари

Босқичлар	Давр	Қисқача тавсифи
I-босқич	1990-1993 йиллар	90-йилларнинг бошидан 1993 йилгача, яъни 1992 йил 9 декабрда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” қонун қабул қилингунча
II-босқич	1993-2000 йиллар	Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) ишлаб чиқиладиган бўлди. 2000 йил 26 майда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири ва 2000 йил 20 сентябрда Вазирлар маҳкамасининг 365-сонли “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги қарори ва бошқалар;
III-босқич	2001 йилдан ҳозиргача	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелда ПҚ-615-сонли “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги қарори; 2007 йил 17 сентябрда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида қонун қабул қилинди; Янги аудиторлик миллий стандартлари ва уларга тенглаштирилган меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда;

Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий-меъёрий тартибга солиш соҳасидаги муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳамда аудиторлик фаолиятини юритишдаги тартибларни кескин ўзгариши ва ривожланишига туртки бўлган меъёрий ҳужжатлари қабул қилинганлигига қараб тадқиқот натижасида биз аудиторлик фаолияти ривожланишининг қуйидиги тўрт босқичини белгилашга муваффақ бўлдик² (4-чизма).



4-чизма. Республикада аудиторлик фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш босқичлари.

Қуйида ҳар бир босқични батафсил тавсифлашга ҳаракат қиламиз. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ташкил қилишдаги **дастлабки босқичларидан биринчиси**, уни келажакда ривожланиши ва истқболини яратиш мақсадида 1992 йил 9 декабрда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Аудиторлик

² Битирувчи талаба-муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

фаолиятини ривожланишининг биринчи босқичи 1992 йил “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан бошланди.

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг **иккинчи босқичи** 26 май 2000 йилда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг янги тахрирда чоп этилиши бўлди.

Янги тахрирдаги “Аудиторлик фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида кўзда тутилган Аудиторлик фаолиятининг тартибга солиш механизмларини амалга ошириш, шунингдек аудиторлик текширувларининг ролини ва ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 сентябрь 2000 йилда 365-сонли “Аудиторлик фаолиятни такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди, бунга мувофиқ аудиторлик фаолиятини лицензиялаш ва тартибга солиш махсус органи ваколати Республика Молия Вазирлигига бириктирилган эди, банкларда аудиторлик фаолияти қисми учун эса – Марказий Банк махсус орган этиб тайинланган эди. Шунингдек юқорида таъкидлаб ўтилган қарор билан биргаликда солиқ ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан аудиторлик хулосаларини рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома, мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказилишидан бош тортган хўжалик юритувчи субъектлардан жарималарни ундириш тўғрисидаги Йўриқнома ва аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тўғрисидаги Йўриқномалар ҳам тасдиқланган эди.

Молия Вазирлиги орқали давлат томонидан тартибга солиниши кўйидагиларни назарда тутди:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, аудиторлик фаолиятини тартибга солиш, шу жумладан миллий аудиторлик фаолияти стандартларини ҳам ишлаб чиқиш;
- аудиторлик ташкилотларида лицензия шартлари ва талабларига риоя қилинишини назорат қилиш, лицензия шартномаларини амалга ошириш.
- аудиторлик малака сертификатини олишга даъвогарлар учун малакавий талабларни ўрнатиш;
- аудиторлик малака сертификатини олиш учун аудиторларни ўқитиш дастури ва малака имтихонини топшириш тартиби бўйича республика жамоат бирлашмасининг келишувини тасдиқлаш;
- аудиторлик малака сертификатини олиш ҳуқуқи аудиторлар квалификацион имтихони республика жамоат бирлашмаси қатнашчилари томонидан ўтказилиши;
- аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензияни тўхтатиб туриш ва бекор қилиш;
- бекор қилинган ва тўхтатиб турилган аудиторлик малака сертификати фаолиятини қайта бериш;
- аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензияси бўлган, аудиторлик ташкилоти ҳисобида ва малака сертификатига эга бўлган аудиторлани аудиторлар реестрига киритиш.

Банкларда аудиторлик текширувларини ўтказиш масалалари Марказий банк томонидан тартибга солинади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ аудиторлик текширувлари мажбурий ва ташаббус тарзидаги шаклларда амалга оширилади;

Олдин қабул қилинган қонуннинг тубдан қайта ишлаб чиқилиши, миллий аудиторлик фаолияти тизимининг республикадаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг умумий жараёнидан орқада қолишини тугатиш, миллий аудитнинг унга хос бўлган функцияларини босқичма-босқич, самарали, рационал ва мувофаққиятли бажариш учун қулайроқ шароитлар яратилиши зарурияти билан белгиланади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик тизимлари томонидан уларга бўлган ишончни ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615 сонли “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган қарорнинг қабул қилиниши мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини келажакда ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда уни ислоҳ этиш йўлида **учинчи босқичининг** бошланиши бўлиб хизмат қилди.

Аудиторлик фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг ушбу босқичидаги муҳим йўналишларидан бири бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 сентябрь 2006 йилдаги 475-сонли “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши ҳисобланади.

Шундай қилиб, юқоридаги қарорда қуйидагилар кўзда тутилган, яъни 2007 йил 1 январдан бошлаб активларининг баланс қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда ички аудит ташкил этилиши лозим бўлиб, у кузатув кенгаши томонидан тайинланади ва ўз навбатида унга ҳисобот берувчи ҳисобланади ва шунингдек устав капиталида давлат акциялари пакети(улуши) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташки аудитни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан аниқланадиган рўйхатга мувофиқ танлов асосида танлаб олинади.

Аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий ривожланишнинг **тўртинчи босқичи** Ўзбекистон Республикасида аудитни ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, шунингдек аудиторлик компанияларини келгусида аҳамиятини ошириш ва ривожлантириш, халқаро норма ва стандартларга мувофиқ тарзда уларнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сафини кенгайтириш мақсадида 2010 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1438-сонли қарори билан Республикада 2011-2015-йилларда аудиторлик хизматларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тасдиқлаши билан бошланди.

Аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлик ёки лозим даражада ўтказмаганлик оқибатида хўжалик юритувчи субъектга ва (ёки) аудиторлик текширувининг буюртмачисига етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши шарт. Бундан кўринадики аудиторлик ташкилоти ва аудиторларнинг хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш даврида молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги сифатли аудиторлик текширишларни амалга ошириш билан белгиланади.

Юқоридаги таклифларни умулаштирган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, бизнинг Республикада аудиторлик ва унга ёндош бўлган профессионал хизматларга талаб ва қизиқишлар ошиб боради, бу эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикасини келажакда халқаро аудиторлик хизматлари бозорида миллий аудиторлик фаолиятимиз мувофақиятини ишончлилигини таъминлайди.

2. Аудитор ва аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари

Молия тизимида ислохотларни чуқурлаштириш ва республикада бозор инфраструктурасини такомиллаштириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган сиёсат натижасида аудиторлик фаолиятининг комплекс қонунчилик-ҳуқуқий асоси барпо этилди, жумладан 2000 йил 26 майда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида" 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарори қабул қилинди, 1999 йилдан бошлаб 2006 йилгача бўлган даврда 21та Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарт (АФМС)лари ва аудиторлик фаолиятини ташкил этиш ва

амалга оширишнинг турли масалаларини тартибга соладиган бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини фаол ривожлантириш учун амалий иқтисодий рағбатлар ва солиқ имтиёзлари ҳамда преференциялар яратилди, лицензиялар бериш тизими сезиларли даражада соддалаштирилди ва либераллаштирилди.

Аудиторлик ташкилотларининг мажбуриятлари «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонуннинг **7-моддасида** белгиланган. Унда таъкидланишича, аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолияти билангина шуғулланиши мумкин. Ушбу қонуннинг 3-моддасига мувофиқ «аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади»

Шунингдек, аудиторлик ташкилотининг зиммасига **қуйидаги мажбуриятлар** юклатилади:

Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолияти билангина шуғулланиши мумкин ҳамда у:

1. аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганида ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

2. аудиторлик текшируви ўтказилишга доир шартнома тузишдан олдин буюртмачининг талабига биноан аудиторлик фаолиятини ўтказиш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияни, аудитор (аудиторлар)нинг малака сертификатини тақдим этиши;

3. хўжалик юритувчи субъектнинг сўровига биноан аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича қонун ҳужжатларининг талаблари тўғрисидаги, аудиторнинг эътирозлари асосланган қонун ҳужжатларининг нормалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

4. аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

5. аудиторлик ҳисоботида молиявий-хўжалик операцияларининг қонунийлиги бузилиши фактларининг ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни акс эттириши;

6. ўтказилган аудиторлик текширувлари натижаларига доир аудиторлик хулосалари ва аудиторлик ҳисоботларининг нусхалари аудиторлик ташкилотида мавжуд бўлишини ҳамда уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланишини таъминлаши;

7. аудиторларнинг бир йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишларини таъминлаши;

8. аудиторлик ташкилотларини мажбурий рейтинг баҳолаш учун аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси сўровига кўра ахборот тақдим этиши;

9. хўжалик юритувчи субъектга унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари зарар етказганлигини аниқ тасдиқлаб турган фактларни аниқлаган тақдирда бу ҳақда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятига (мулкдорига) маълум қилиши ҳамда аудиторлик ҳисоботида тегишли қайдни киритиши шарт. Зарур ҳолларда аудиторлик текширувининг натижаларини маълум қилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қатнашчиларнинг (акциядорларнинг) умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиши шарт.

Аудиторлик ташкилоти зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли "Ўзбекистон Республикасида 2006 - 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, аудиторлик хизматларини кўрсатадиган аудиторлик ташкилотлари 2006 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилди. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги ПҚ – 640 - сонли "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, юқорида

таъкидлаб ўтилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати кичик корхоналар ва микрофирмаларга тегишли аудиторлик ташкилотлари учун 2010 йил 31 декабргача узайтирилди.

Шу билан бирга, юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, республикамиз ҳудудида аудиторлик ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қуйидаги меъёрий ҳужжатлар амал қилиб келмоқда:

❖ Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори;

❖ Адлия Вазирлиги рўйхатидан 2000 йил 13 октябрдаги 977-сонли “Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида”ги Низом;

❖ Адлия Вазирлиги рўйхатидан 2000 йил 4 ноябрдаги 982-сонли “Ўзбекистон Республикаси банкларида аудиторлик текширувларин ўтказиш тўғрисида” Йўриқнома ва бошқалар.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси ва аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низомнинг 16-бандига мувофиқ, аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтиши лозим. Бунда: устав капиталининг ушбу улуши айнан шу аудиторлик ташкилотининг аудитори (аудиторларига) ёки ушбу ташкилотда ишламайдиган аудиторга тегишлилиги муҳим эмас эди, муҳими таъсисчида аудиторлик малака сертификати бўлиши ҳисобга олинган. Энди аудиторлик ташкилоти устав капиталининг ушбу улуши амалдаги аудиторлик малака сертификати бўлган, шунингдек, ушбу аудиторлик ташкилотининг аудитори (асосий иш жойидаги ёки ўриндошлик асосидаги штатдаги ходими) бўлган таъсисчига (таъсисчиларга) тегишли бўлиши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, аудитор фақатгина битта аудиторлик ташкилотида таъсисчи бўлиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар сираси белгиланган бўлиб, улар қўйидагилардан иборатдир:

- Акциядорлик жамиятлари;
- Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;
- Суғурта ташкилотлари;
- Инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг бошқарув компаниялари;
- Манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;
- Маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонида қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;
- Устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси ва аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низомнинг 16-бандига мувофиқ, аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтиши лозим. Шу билан биргаликда, Адлия вазирлиги аудиторлик ташкилотларининг давлат реестрини юритади. Аудиторлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва аудиторлик ташкилотларининг давлат реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли қарори билан тасдиқланган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Юқорида айтиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615 сонли қарорига мувофиқ, аудиторлик ташкилотлари қуйидаги лицензия турларидан бирини олишлари шарт.

Аудиторлик фаолиятининг амалиётида кўп ҳолларда амалдаги аудиторлик малака сертификатига эга бўлган бир жисмоний шахс бир неча аудиторлик ташкилотлари устав капиталида маълум улушга эга бўлади. Бундай ҳолатлар одатда: аудиторлик текширувидан ўтадиган шахслардан, шунингдек ҳар қандай учинчи шахслардан мустақиллик принципининг бузилишига; мулкдорларнинг аудиторлик ташкилоти молиявий натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлигининг камайишига; мамлакатнинг баъзи ҳудудларида аудиторлик хизмати бозорларида соф рақобатнинг чекланишига ёки маълум даражада монополлашувига, аудиторлик ташкилоти бошқаруви ходимлари фаолиятини таъсисчилар томонидан назоратининг сезиларли даражада пасайишига ва бошқаларга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, аудиторлик ташкилотлари устав капиталида таъсисчиларнинг улушлари ва уларнинг таркиби бўйича қуйидаги асосий хулосага келиш мумкин: аудиторлик ташкилоти устав капиталининг камида 51 фоизи ушбу аудиторлик ташкилотининг бир ёки бир неча штатдаги аудиторларга тегишли бўлиши лозим ва аудитор (аудиторлар) фақат битта аудиторлик ташкилотида таъсисчи бўлиши мумкин.

Мос равишда, 2007 йил 4 апрелдан бошлаб, аудиторлик ташкилотлари очик акциядорлик жамияти шаклидан ташқари қонунчиликда белгиланган, барча ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва фаолият юритиши мумкин, қуйидаги мажбурий шартларга риоя қилган ҳолда:

- а) устав капиталининг 51 фоиздан кам бўлмаган миқдори мазкур аудиторлик ташкилотининг бир ёки бир неча штатдаги аудиторларига тегишли бўлиши шарт;
- б) фақатгина аудитор аудиторлик ташкилотининг раҳбари бўлиши мумкин;
- с) аудиторлик ташкилотлари ўз фаолият турларига қараб мувофиқ ташкил этишлари шарт;

Бу ўринда, халқаро бухгалтер сертификати тушунчасига таъриф бериб ўтиш лозим. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик ва бухгалтерлик касби вакилларига маълумки, 2000-йилдан бошлаб “Сертификатланган бухгалтер амалиётчи” (САР) ёки “Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер” (СІРА) сертификатциялаш доирасида профессионал бухгалтерларни халқаро сертификатциялаш дастури ишлаб келмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: “Ўзбекистон”, 2002.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси: Расмий нашр- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: «Адолат », 2008 й.-692 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни - Тошкент 1996 й. 30 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. (Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎЗР. 13.12.2002 й. 447-II-сон Қонуни, ЎЗР. 04.04.2006 й. ЎРҚ-28-сон Қонуни, ЎЗР 10.10.2006й. ЎРҚ-59-сон Қонуни, ЎЗР. 17.09.2007й. ЎРҚ-110-сон Қонуни, ЎЗР. 09.09.2009й. ЎРҚ-216-сон Қонуни асосида)
5. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48(444)-сон, 442-модда.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № ПҚ-907 Қарори. 02.07.2008
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси -Т.: «Ўзбекистон», 2016
8. Аудиторлик фаолияти бўйича услубий қўлланмалар тўплами./ Х.Қосимов, Л.Югай, А.Хошимова, Б.Пардаев, Б.Абдуназаров.-Тошкент, 2010.-320 б.
9. Сборник методических указаний по аудиту/ Х.Косымов, Л.Югай, А.Хошимова, Б.Пардаев, Составитель: Б.Абдуназаров.-Ташкент, 2009.-304 с.
10. Do'smurotov R.D. Audit. O'quv qo'llanma (I qism). R.D. Do'smurotov, Sh. Fayziyev. - Т.: "iqtisod-moliya", 2008. - 178 с
11. Do'stmurotov R.D. Audit. O'quv qo'llanma. (II qism)./ R.D. Do'stmurotov, Sh. Fayziyev. - Т.: "iqtisod-moliya", 2008. - 256 с
12. Аренс А., Лоббек Д.Ж. Аудит. Пер. с англ. под. ред. проф. Я.В. Соколова, - М.: Финансы и статистика, 1995.
13. Каримов А. ва бошқ. Аудит. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya. 2008. – 180 б.
14. Международные стандарты аудита. Проект по развитию предпринимательства. – Т.: USAID. 2004.
15. Дўстмуратов Р.Д. Аудит асослари. – Т.: Ўзбекистан миллий энциклопедияси. 2003. – 612 б.
16. Аудит. Дарслик. – Т.: NORMA. 2008. – 320 б.
17. Мусаев Х.Н. Аудит: Дарслик. – Т.: Молия. 2003. – 220 б.
18. Сахобов У., Давранова Ш. Планирование аудита. Монография. – Т.: bioekosan. 2008. – 158 с.
19. William C. Thomas. Auditing: theory and practice. Kent publishing company. 2001
20. Интернет сайтлари:
<http://mf.uz>
<http://www.soliq.uz>
www.ziyonet.uz
www.tfi.uz
www.lex.uz